



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 28 апрель, № 83 (5250)

Пайшанба

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ТИББИЁТИМИЗНИНГ УЛКАН ЮТУҚЛАРИ

пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида иш бошлаган «Соғлиқни сақлаш — ТИНе» 16-халқаро кўргазмасида намоиш қилинмоқда



Мазкур тадбир мамлакатимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тиббиёт ҳафталиги доирасида ташкил этилди. Кўргазма “ITE Uzbekistan” халқаро кўргазмалар компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, “Ўзтибтехника” масъулияти чекланган жамияти ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Кўргазма

Тўрт кун давом этиши кўзда тутилган ушбу тадбирда тиббиёт асбоб-ускуналари, фармацевтика маҳсулотлари, шифобахш дори-дармонлар, лаборатория, стоматология, фитотерапия ҳамда протезлаш технологиялари намоиш этилаётти. Экспонентлар орасида 40 дан зиёд маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга жаҳоннинг Буюк Британия, Венгрия, Германия, Италия, Швейцария, Миср, Хиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия, Украина, Беларусь каби 26 мамлакатидан 140 дан зиёд компаниялар ҳам бор.

— Ушбу кўргазма тиббиётдаги энг сўнгги янгиликларни намоиш этиш, ҳасталикларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш борасидаги илғор тажрибаларни кенг миқёсда оммалаштириш имконини бериши билан аҳамиятлидир, — дейди кўргазма директори Шахноза Низомова. — Кувонарлиси, тадбирда маҳаллий компаниялар ҳар гагидан кўра фаол қатнашмоқда. Ишлаб чиқарувчиларимиз тақдим этаётган тиббий жиҳозлар, дори-дармон воситалари, физиотерапия асбоб-ускуналари жаҳоннинг энг етакчи фирма ва компанияларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади. Масалан, юртимиздаги “Тиббий технологиялар”, “Магнум Медикал”, “Тиббиёт дунёси”, “Глобал Импекс” каби ишлаб чиқарувчи ва дистрибьюторлар ҳозирданок хорижлик ҳамкорлар эътиборини тортиб улгурди.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

САЙЛОВЛАРДА ОШКОРАЛИК – АСОСИЙ МЕЗОН

Гулистон шаҳрида халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари” мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Селати, ҳудудий кўмаклашувчи комиссияси ва ишчи гуруҳлар аъзолари, “Маҳалла” хайрия жамғармаси вилоят бўлими вакиллари ва фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этди.

Семинарда таъкидланганидек, вилоятда 352 та фуқаролар йиғини бўлиб, унинг 9 таси шаҳарча, 68 таси қишлоқ, 275 таси маҳалла фуқаролар йиғинидан иборат. Уларнинг барчасида кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳлар тузилди.

Ҳозир улар томонидан сайлов жараёнилари билан боғлиқ тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Зеро, бундай тарғибот-тушунтириш ишлари сайлов жараёнида аҳоли фаоллигини ошириш ҳамда юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш учун мустақкам замин ҳозирлайди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришда ушбу сайловда сайланадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг мас-

лаҳатчиларининг ўрни катта, — дейди Янгигер шаҳар кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Бозорбек Ҳакимов.

— Шундан келиб чиқиб, оқсоқол сайлашда маҳаллада энг обрўли, ташкилотчилик қобилиятига эга шахсларни танлашимиз зарур. Бунинг учун зарур шароит яратиш, қисқача айтганда, сайлов жараёни қонунийлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фуқаролар йиғинларида

“Сайловчи бурчаги” ташкил этилиб, уларда сайлов қонунийлиги, кўмаклашувчи комиссиялар таркиби ва иш режаси ҳақидаги батафсил маълумотлар берилаяпти. Айна чоғда маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали тайёргарлик жараёни билан боғлиқ чиқишлар уюштириляпти.

Шунингдек, тадбирда мазкур сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, кўмаклашувчи комиссияси ва ишчи гуруҳлар вазифалари ҳусусида ҳам сўз юритилди. Шундан сўнг муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шумурод ХОЛМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кеча пойтахтимизда “BankExpo — 2011” банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари йиллик миллий кўргазмаси иш бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Ўзбекистон банклар ассоциацияси каби ташкилотлар кўмагида уюштирилди.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР

мамлакатимиз банк-молия тизимида изчил жорий этилмоқда

Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда банк-молия тизимини ислох қилиш ва барқарорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. На-

жратилиш шартлари ҳамда кўрсатилаётган хизмат турлари, уларнинг замонавий технологиялардан фойдаланиш даражаси ва бошқа кўлаб йўналишлар бўйича атрофлича маълумот оладилар. Со-

Ислохот

талашув даражаси йил сайин ортиб, кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб бораёпти. Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори бу борада дастурил-амал бўляпти.

Кўргазма эса айни шу қарор ижросини таъминлашга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир. Чунки бу ерга келганлар миллий банк тизимининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, тижорат банкларининг кредит

янгилеклардан хабардор бўладилар.

Тадбирда мавжуд тижорат банкларида ташқари, Лизинг берувчилар ассоциацияси, шунингдек, микромолиялаш ва нобанк молия секторининг етакчи ташкилотлари ҳам иштирок этаяптики, бу унинг нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолат беради. Улар томонидан банк-молия соҳасининг замонавий технологиялари ва хизматлари, хусусан, е-банкинг, мобил тизимлар, пул ўтказиш ва видеокузатиш тизимлари, хавфсизлиқни таъминлаш ускуналари, янги ахборот технологиялари кенг намоиш этилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ТАНҚИД ВА ТАҲЛИЛ РУҲИДА

Жойларда 2011 йилнинг биринчи чорагида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва галдаги энг муҳим устувор вазифаларни амалга оширишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Хусусан, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Янгигбоев бошқарган ана шундай йиғилишда таъкидланганидек, ҳисобот даврида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва техноло-

гик қайта жиҳозлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида республикада ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 14,9 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари ҳажми 9,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 9,3 фоизга,

чакана савдо айланмаси 10,9 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш 17,9 фоизга, экспорт ҳажми 2 мартага ортishi натижасида мана шундай иқтисодий ўсиш суръати таъминланди.

Экспортни қўллаб-қувватлаш ва тайёр маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш, шунингдек, маҳсулотлар рақобатбардошлигини кучайтириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида ҳудудий корхо-

налар экспорти 1,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида барча манбалар ҳисобидан 45,6 миллиард сўм, 2,9 миллион АҚШ долларини ва 11,2 минг евро миқдорига маблағ ўзлаштирилди. Хусусан, кичик бизнес субъектларига 29 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

(Давоми 2-бетда).

Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

Шу йилнинг 22 — 23 апрель кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳақидаги маърузасининг асосий қоидаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Жаҳоннинг 46 мамлакатидан 200 нафардан зиёд олимлар, экспертлар ва жамоат арбоблари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашган ушбу анжуман кўтаринки руҳда ўтди. Айниқса, конференция иштирокчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳайрат ва қизиқиш билан гапирдилар. Бунинг уларнинг “Халқ сўзи” мухбири билан суҳбатларида ҳам кўриш мумкин.

«ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШГА ШИЖОАТ ҲАМ, ТАЖРИБА ҲАМ ЕТАРЛИ»

Витторิโอ ЖОРЖИ, Европа тарихий ҳудудлари иттифоқи раиси, адвокат (Италия):

— Бугунги глобаллашув шароитида фақатгина техник ва технологик ривожланиш билангина одамлар ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириб бўлмайди. Бундай натижаларга эришиш учун мамлакат ўтмишини чуқур ўрганиш, тарихий ёдгорликларни, асарларни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб қилишнинг, яъни маънан юксалиш, баркамоллиқнинг ўрни бениҳоя каттадир. Президент Ислам Каримовнинг бу масалага алоҳида эътибор қаратаётганини ўзбек ва дунё давлатчилигининг етук намоёндаларидан бўлган Амир Темури сиймосини тиклаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, машхур Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган шаҳарлар ва дунё илм-фани даргаларининг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, Европада тарихий шаҳарларни асраб-авайлаш масаласи доимо баҳс-мунозаралар асосида ҳал этиб келинган. Ўзбекистонда бу нарсаси айна Президентнинг ўзи катта ғамхўрлик кўрсатаётгани боис Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари дунё цивилизацияси бешикларининг жозибаси, таровати тобора ортиб бормоқда.

Шу маънода айтганда, Демократик ислохотларни

янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий юксалтиришнинг комплекс мажмуидир. Зеро, унда илгари сурилган қонунийлик ташаббуслари нафақат мамлакат ҳаётини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, балки жамиятнинг маънавий устунларига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Жон ДЕЙЛИ, УРИ мухбири (АҚШ):

— Мен касбим тақозоси билан Ўзбекистонда кўп бора бўлганман. Мамлакатининг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг минтақадаги хавфсизлиқни, қонунони, Афғонистондаги барқарорлиқни таъминлашдаги ролига бағишлаб қатор мақола-лар чоп этганман. Минтақадаги сиёсий ва ҳарбий муаммоларни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон раҳбарлиги ушбу сўраётган ташаббуслар ўзининг кенг қамровли эканлиги ҳамда пухта сиёсий ва иқтисодий мантиққа асослангани билан ҳам аҳамиятлидир. Хусусан, Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича тақлиф этилган ҳамда халқаро ҳамжамият катта қизиқиш билдираётган “6+3” мулоқот гуруҳи мақсад ва вазифалари ҳам мана шундай фалсафани ўзида муҳассам этган.

(Давоми 2-бетда).

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган йиғирма йиллик зарварақларига назар ташлаб, унинг ҳар бир қуни янгиликсиз, ривожланишсиз кечмаганлигига гувоҳ бўламиз. Давлатимиз раҳбарининг инсонийлик ва эзгулик тамойиллари билан суғорилган илғор қарашлари ва саъй-ҳаракатлари эвазига истиқлол йилларида юртимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари сингари давлат ҳокимияти бошқарувида ҳам кенг қамровли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида давлат ҳокимияти бошқаруви эркинлашиб, янада демократлашиб бораётганлиги, айниқса, қувонарлидир.

МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНING МУҲИМ ДАСТУРИ

Мазкур қисқа давр мобайнида босиб ўтган йўлимиз асрларга татигуликдир, десак, асло муболага бўлмайди. Бу йўл “Ўзбек модели”га асосланган энг халқчил, энг тўғри йўл бўлиб, унинг ҳуқуқий пойдевори мустақамдир. Чунки юртимизда демократик андозаларга мос келадики, жамият ҳаётининг изчиллик билан эркинлашувини таъминлайдиган зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди.

Шу билан бирга, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок партиявий як-хоҳимликка барҳам берилиб, кўп партиявийликка асос солиниб ва партиялараро рақобатга кенг ва тенг шароитлар яратиб берилди.

Мамлакатимиз тараққиётининг навбатдаги босқичи икки палатали парламентнинг ташкил этилганлиги бўлди. Давлатимиз раҳбари 2005 йил 25 январь кунини бўлиб ўтган унинг дастлабки қўшма мажлисида “Мамлакатимизда икки палатали парламентга сайловлар ўтказиш бўйича қабул қилинган кўп жиҳатдан ўзига хос тизим ҳамда сайловлар жараёнининг ўзи республикада фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг кескин жонлигини ва фаоллигини кучайтиришда, айтиш керакики, уларнинг масъулияти ортисида гоят кучли омил бўлди”, деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунийлик ташаббуси асосида 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун давлат бошқарувини мазмунан янгилаш, бунда мавжуд демократик тамойилларни кенгрок жорий этиш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш мақсадларини қамраб олди.

(Давоми 2-бетда).

Qishloq Qurilish Bank

Маълумки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳар бир акциядорлик жамияти ўзининг йиллик молиявий-ҳўжалик фаолияти якунлари бўйича мулкдорларга, яъни акциядорларига ҳисобот бериши, улар билан келгуси ривожланиш истиқболларини ва олданда турган устувор вазифаларни белгилла олиши лозим.

Кунги кеча ана шундай акциядорлик жамиятларидан ва республикамининг йирик банкларидан бири ҳисобланган очик акциядорлик тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” фаолиятининг ўтган молиявий йилдаги натижаларига бағишланган акциядорларнинг йиллик умумий ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Бундан икки йил олдин Ўрт-бощимиз ташаббуси билан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ташкил этилган эди. Ўтган қисқа давр мобайнида банк фаолияти, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ва унга мувофиқ белгиланган бир қатор чора-тадбирларнинг ихросини таъминлашга қаратилди.

Президентимизнинг оқорида номи зикр этилган қароридида банкнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича бир қатор аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Ҳисобот даврида ушбу вазифаларни бажариш мақсадида банкнинг мустақам ресурс базасини, авваламбор, унинг капитални ҳажмини оширишга қаратилган аниқ чоралар қўрилди. Жумладан, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан банк устав капитални ҳажмини 2010 йил якунига 150 миллиард сўмга етказиш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, ўтган йили банк томонидан 100 млрд. сўмлик банк акциялари муомалага чиқарилиб, йил давомида акциядорлар ўртасида жойлаштирилди ва пировардида банк устав капитални 150 млрд. сўм этиб тўлиқ шакллантирилди.

Шу билан бир қаторда, 2010 йилда банкнинг умумий капиталлашуви даражасини ошириш мақсадаги ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бир қатор чора-тадбирлар натижасида банкнинг умумий капитални 180,4 млрд. сўмга етказилди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу банк капиталига нисбатан қўйилган халқаро ва миллий меъёрлардан бир неча бор юқорида.

Маълумки, “Қишлоқ қурилиш банк”нинг мамлакатимизда ижтимоий-социал аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишдаги ўрни инобатга олинди, у 2012 йилнинг 1 январига қадар фойда ва мулк солиғи, шунингдек,

кредит линиясини ўзлаштириш бошланган бўлса, Хусусий секторни ривожлантириш Ислоом корпорацияси билан кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 5 млн. АҚШ доллари миқдоридида Молиялаштириш битимини имзолаш бўйича чоралар қўрилди.

Маълумки, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини молиялаштириш ташкил этиш “Қишлоқ қурилиш банк”нинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис ҳисобот даврида

да 225 та ер массивлари танлаб олинди, қурилиш ишлари самарали якунланди: уй-жойларнинг барчаси ўз эгаларига топширилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2010 йил май ойида Андижон ва Фарғона вилоятларига ташрифлари чоғида берган тавсиялари асосида “Қишлоққурилишлойиҳа” институти томонидан мутлақо янги, бугунги кун талабларига мос 3, 4 ва 5 хонали уй-жойларнинг такомиллаштирилган лойиҳалари ишлаб чиқилди. Хабарингиз бор, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш

заводлари томонидан маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилиб, пудратчиларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Банк, шунингдек, мамлакатимиз молия бозоридида универсал банк сифатида фаолиятини кенгайтириб, ўз миқозларига самарали ва намунали хизмат кўрсатиш, банк хизматлари сифатини замон талаблари даражасига кўтариш юзасидан изчил фаолият олиб бормоқда. Чунончи, жорий йил бошида банкнинг 41 филиали ҳамда 200 дан ортиқ инфратузилмалари томонидан

гайтириш амалиёти 2010 йилда ҳам давом эттирилди. Мазкур йўналишда бултур 7,6 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Шу билан бир қаторда, 553 нафар тадбиркор аёлга жами 13 млрд. сўмлик кредит маблағлари берилгани уларнинг фаолиятини кенгайтириш ҳамда ички бозорни маҳаллий товарлар ва хизматлар билан тўлдирди ҳамда айни муддао бўлмоқда.

Банк “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида ёшларнинг тадбиркорлиқни йўлга қўйишлари билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш

га асосан, банкрот деб эълон қилинган Фарғона шаҳридаги “Буёқ Ипак йили” ОАЖ корхонаси банк тасарруфига олинди. Унинг негизига “Silk manufacture” масъулияти чекланган жамияти ташкил қилиниб, ушбу корхонани тиклаш бизнес режасига мувофиқ, банк томонидан 2 175,8 млн. сўм миқдорда инвестиция киритилди. Бугунги кунда ишчи ходимлар сонини 350 нафарга етказиш борасида ҳамда амалдаги тартибдор мувофиқ, корхонани стратегик инвесторга сотиш юзасидан чоралар қўрилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, банк иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаб, ўзининг сифатли хизматлари билан миқозлар ишончини тобора қозонмоқда. Банк фаолиятининг ҳар йилги натижалари ташқи аудитторлик компаниялари томонидан ўрганилиб, уларнинг халқаро стандартларга мослиги эътироф этилмоқда.

Банк акциядорларининг 2011 йил 27 апрелда бўлиб ўтган умумий йиғилишида 2010 йилда эришилган ижобий натижалар билан бирга, банк фаолиятини янада ривожлантириш, унинг хизматлари доирасини кенгайтириш, даромад келтирувчи активлари саломогини ошириш борасида мавжуд имкониятлар таҳлил этилиб, жорий йилда ушбу йўналишларда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгиланган.

Чунончи, узок йилларга мўлжалланган “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг амалда ихросини таъминлашда банкнинг фаолиятини янада изчил давом эттириш белгиланиб, жорий йил ва истиқболда ушбу йўналишда банк ва унинг шўбба корхоналари иш-тироқида амалга оширилиши кўзда тутилган тадбирлар атрофида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, жорий йилда банк капиталини яна 20 млрд. сўмга қўлайтириш ҳисобига банкнинг капиталлашуви даражасини ошириш, банк активлари, айниқса, унинг даромад келтирувчи қисмининг барқарор ўсишини таъминлаш, филиаллар тармоғини янада кенгайтириш, ахборот технологиялари доирасида “Банк-миқоз” ва “SMS-banking” каби замонавий хизмат турларини йўлга қўйиш, мамлакатимизда амалга ошириладиган дастурларда фаол иштирок этиш, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасидаги вазифаларни амалга ошириш банк фаолиятини янада самарали ташкил қилишга олиб келиши акциядорлар умумий йиғилиши иштирокчилари томонидан таъкидланди.

Банк Матбуот хизмати.

ҚИШЛОҚДА ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

хориждан олиб келинадиган банк жиҳозлари ва техникаси учун боғхона тўловларини тўлашдан овоз этилган. Мазкур маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк устав капиталидидаги улушини кўпайтирган эди. Ҳисобот даврида ушбу вазифаларни бажариш мақсадида банкнинг мустақам ресурс базасини, авваламбор, унинг капитални ҳажмини оширишга қаратилган аниқ чоралар қўрилди. Жумладан, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан банк устав капитални ҳажмини 2010 йил якунига 150 миллиард сўмга етказиш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, ўтган йили банк томонидан 100 млрд. сўмлик банк акциялари муомалага чиқарилиб, йил давомида акциядорлар ўртасида жойлаштирилди ва пировардида банк устав капитални 150 млрд. сўм этиб тўлиқ шакллантирилди.

Шу билан бир қаторда, 2010 йилда банкнинг умумий капиталлашуви даражасини ошириш мақсадаги ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бир қатор чора-тадбирлар натижасида банкнинг умумий капитални 180,4 млрд. сўмга етказилди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу банк капиталига нисбатан қўйилган халқаро ва миллий меъёрлардан бир неча бор юқорида.

Маълумки, “Қишлоқ қурилиш банк”нинг мамлакатимизда ижтимоий-социал аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишдаги ўрни инобатга олинди, у 2012 йилнинг 1 январига қадар фойда ва мулк солиғи, шунингдек,

мана шу вазифаларни рўёбга кичиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори намунавий лойиҳалар асосида қишлоқларда аҳоли учун турар-жойлар қурилиши борасида амалда бўлган тартиб-қоидаларни янада

такомиллаштириб, бу соҳаларда ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилди. Зеро, ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, “Қишлоқ қурилиш банк”нинг бир миллиард сўм устав фондида эга бўлган “Қишлоқ қурилиш инвест” иқтисослаштирилган шўбба инжиниринг компанияси ташкил этилди. Унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда филиаллари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда

ушбу тузилмада 360 нафарга яқин малакали мутахассислар ишламоқда. Ўтган йили тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича 1 102,48 гектар ер майдонда 6,8 мингта якка тартибда уй-жойлар қуриш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг 159 та қишлоқ туманлари-

дастурини янада кенгайтириш мақсадида 2010 йил 8 сентябрда Президентимизнинг “Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, бугунги кунда 721 пудрат ташкилоти танланиб, жорий

Молия муассасаларида

йилда қурилажак 7400 та уй-жойларнинг қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган.

Мана шундай кенг кўламадаги уй-жой қуриш ишлари, табиийки, қурилиш ишларининг ҳам кенгайишига замин яратди. Албатта, дастур доирасида барпо этилаётган уй-жойлар қиймати асоссииз орттирилишининг олдини олиш, улар қурилишида маҳаллий хом ашё ва материаллардан кенг фойдаланишга ҳукуматимиз томонидан алоҳида устуворлик берилмоқда. Уй-жойлар қурилишида ишлатиладиган асосий гишт, том ёпиш материаллари, эшик, ром каби ёғоч материаллар қиймати умумий бинкорлик материалларининг катта қисмини ташкил этишини инобатга олган ҳолда, банк томонидан бир қатор режали тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда банк маблағлари ҳисобига йилга 300 млн. донна пишқ гишт ишлаб чиқаришнинг 12 та янги корхона, шунингдек, йилга 1,5 млн. кв. метр том ёпиш материаллари ҳамда йилга 75 минг донна эшик ва ром блоклари ишлаб чиқариш қувватига эга корхоналари ташкил этиш ишлари якунига етказилди. Шу кунларда гишт

337 720 дан зиёд юридик ва жисмоний шахс мақомидаги миқозларга кенг кўламли банк хизматлари кўрсатилган бўлса, биринчи чорак якунига келиб, мазкур кўрсаткич 340 мингтага етди. Банкнинг соф активлари ҳажми 2011 йил бошига 721,1 млрд. сўмни ташкил этди, яъни ҳисобот даврида қарийб икки баробарга ўсди.

Банк ўз кредит сиёсати талабларидан келиб чиқиб, унинг активлари ҳажми, таркиби ва даромадлилигини оширишга алоҳида эътибор қаратди. Натижада банк кредит қўйилмалари миқдори 2011

Молия хизматлари бозоридида банкнинг тугган мавқеи ва фаолиятида кўлга киритилган ижобий натижалари инобатга олинди, “Moody's Investors Service” халқаро рейтинг компанияси томонидан банкка аввалги йилда берилган барча кўрсаткичлар бўйича “Барқарор” рейтинг баҳоси кўрсаткичи даражаси 2011 йил 18 апрелида яна бир бор тасдиқланди.

ция мақсадлари учун йўналтирилди. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдан келиб тушган даромадларнинг 1,8 млрд. сўми солиқ тўловидан овоз қилиниб, банкнинг умумий капиталини оширишга мақсадида йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси қарори-

ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАР

**мамлакатимиз
банк-молия
тизимида изчил
жорий этилмоқда**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда жорий йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши банк-молия соҳаси мутахассислари зиммасига ҳам улкан масъулият юклатди. Айни пайтда улар тадбиркорлик субъектларининг молия-кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга жиҳдий эътибор қаратишаётир. Шу мақсадда кредит ажратиш механизмининг янада такомиллаштириш, унинг ҳажмини ошириш, айниқса, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ўрта ва узок муддатли кредитлар бериш бўйича изчил чора-тадбирлар қўрилмоқда. Мисол учун, “Ўзсаноатқурилишбанк” иқтисодиётнинг ушбу тармоғига йил охирига қадар 292 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтиришни режалаштирган бўлса, “Микрокредитбанк” томонидан эса “SMS-Bank” ва “Internet-Bank” деб номланган янги банк хизматлари тақдим этилаётти. Мулкдор у орқали телефон ва интернет ёрдамида банкдаги ўз ҳисобини бевосита назорат қилиб бориши мумкин.

— Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкимиз томонидан бир нечта йўналишларда танловлар эълон қилинди, — дейди Халқ банки бўлими бошлиғи Бекзод Раҳматуллаев. — Бу тадбиркорларни пишқ-пукта бизнес-режа тузишга, бозорда рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга руҳлантирмоқда. 2011 йилнинг биринчи чорагида ана шундай ишбилармонларга 71,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткичи йил якунигача 267 млрд. сўмга етказишни мўлжаллаялмиз.

Кўрғазма доирасида молия-иқтисодиёт, банк-кредит тизими мутахассисларини ишга йўналтириш мақсадида “Мутахассис карьераси кўни” бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиши ҳам режалаштирилган. Унда банк-молия соҳасининг 50 дан ортиқ йирик компанияларнинг мунгдан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашади.

Сарвар ОЧИЛОВ.

O'ZSANOATQURILISHBANK

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ

«Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш бўйича энг яхши бизнес лойиҳа»

«Энг яхши инновацион лойиҳа»

«Қишлоқ жойларда энг яхши бизнес лойиҳа»

«Аёл тадбиркорнинг энг яхши бизнес лойиҳаси»

«Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича энг яхши бизнес лойиҳа»

ТАНЛОВЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танлов шартлари:

1.	Танлов иштирокчиси	Бизнес лойиҳани тақдим этган «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида асосий ҳисоб рақамига эга кичик бизнес субъектлари, фермер ҳўжаликлари.
2.	Бизнес лойиҳа қиймати	Лойиҳа қиймати 500 млн. сўмгача.
3.	Бизнес лойиҳа мақсади	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3434, ПҚ-1047 ва ПҚ-1050-сонли қарорларига асосан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кенгайтириш ҳамда ривожлантириш мақсадида янги замонавий ускуналар, техникалар ва технологиялар сотиб олиниши лозим.
4.	Бизнес лойиҳага қўйилган асосий шартлар	— ташаббускорнинг 40 фоиздан кам бўлмаган миқдорда лойиҳада қатнашиши; — камида 5 та янги иш ўринлари яратилиши; — туман миқёсида лойиҳанинг долзарблиги.
5.	Кредит муддати	3 йил.
6.	Танлов ғолибларига ютуқлар	Ҳар бир йўналиш бўйича ғолибларга банк кредит сиёсати талаблари асосида йиллик 6 фоиз ставкада кредитлар ажратилади ҳамда совғалар тақдим этилади.
7.	Иштирокчилар томонидан ҳужжатларни тақдим этиш	«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимидаги барча филиалларга 2011 йилнинг 15 июлига қадар тақдим этилади.
8.	Танлов ғолибларини эълон қилиш муддати	2011 йил 29 — 30 август.

МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ КРЕДИТ БЎЛИМЛАРИ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Минтақавий филиаллар
Қорақалпоғистон
Андижон минтақавий филиали
Бухоро минтақавий филиали
Қашқадар минтақавий филиали
Навобий минтақавий филиали
Наманган минтақавий филиали
Самарқанд минтақавий филиали

Минтақавий филиаллар
Сурхондар минтақавий филиали
Сирдарё минтақавий филиали
Тошкент вилояти минтақавий филиали
Фарғона минтақавий филиали
Хоразм минтақавий филиали
Тошкент шаҳар минтақавий филиали
Амалгез бошқармаси
Марказий амалгез минтақавий филиали

Телефон рақамлари
(376) 781-12-86, 272-73-73
(367) 225-19-55, 225-07-40
(371) 244-14-89, 244-56-10
(373) 224-50-19, 224-85-03
(362) 224-12-44, 224-22-93
(371) 140-66-28, 140-66-29
(371) 120-45-72, 120-45-61
(371) 239-10-18, 140-15-36

Бош офис телефонлари: (371) 233-63-78, 120-45-22, 120-36-20

«Ўзсаноатқурилишбанк» — тадбиркорларнинг ҳамқори ва ишончли таянчи!

Вақт давомида синалган ишонч!

IGEX COUNT ON OUR VALUE

Talaris (DeLaRue) компаниясининг Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютори «IGEX ASIA» МЧЖ

Тошкентдаги омбордан пул ўтказиш йўли билан

БАНК ЖИҲОЗЛАРИНИ

таклиф этади.

Жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларининг

ПУЛ ҲИСОБЛАГИЧЛАРИ

Talaris EV 8626 (Англия), Talaris (DeLaRue) EV 6850 (Англия), Laurel J-700 (Япония)

ва ВАЛЮТА ДЕТЕКТОРЛАРИ.

Баҳоси — бозорниқидан арзон.

Шунингдек, барча турдаги банк жиҳозларини таъмирлаймиз ва техник хизмат кўрсатамиз.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Манзил: Ўзбекистон, 100015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 24-уй. Телефон: (+998-97) 771-38-75. Тел./факс: (+998-71) 281-46-38, 281-46-10.

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«КЧМ» ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ

Табиий газ, қуруқ ва суяқ ёнилғида ишлайдиган, Россия ҳамда Европа стандартлари талабига мос. ФИК 79% дан 90% гача.

Шунингдек:

КАФЕЛЬ (девор ва пол учун)

САНТЕХНИКА (катта ҳажмда унитаз ва кўлвгичлар)

ЧЎЯН ВАННА ВА ДУШ ПОДДОНЛАРИ

Тел./факс: 267-35-73.

Савдо шохобчаси — Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичиди №127. zakamsk-group@mail.ru

“Ўзултуржисавдо” акциядорлик компанияси раҳбарияти ва Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси “Сергелиултуржисавдо” божхона терминали директори Эркин Мирзабековга отаси **Фарҳод МИРЗАБЕКОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси Макронқиқсодиёт кафедраси доцентини Мирсоли Ҳайдарованинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази жамоаси Ахборот-коммуникация технологиялари кафедраси мудири вазифасини бажарувчи Баҳодир Султоновга қизи **Ҳулалар Баҳодир қизи ҲАЙДАРАЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Танлов

Гулистон шаҳрида “Хуқуқ билимдонлари — 2011” республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Хуқуқ билимдонлари баҳси

Республика Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур бешлашувда Сирдарё вилоятининг “Аёло” ҳамда Самарқанд вилоятининг “Тафаккур” жамоалари ўзаро баҳс олиб бормадилар. Ғолиб жамоа ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган бадиий чиқишлар, савол-жавоблар ҳамда кўрғазмалар намойишлар орқали аниқланди. Якуний натижаларга кўра, Сирдарё вилояти вакиллари ғолиб деб топилди, танловнинг якуний босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритдилар.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашрийоти жамоаси меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист **Соат Ғиёсович МУСАЕВИЧ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлигарига чуқур ҳамдардик билдиради.

“Буюк Ўзбекистон фарзандимиз”.
Маҳаллаимиз навниҳоллари — Сардор, Ботир,
Абдураулга богча опаси шу сўзларни ўргатибди.
Улар бу сўзларга астойдил ихлос қўйишбдики,
ота-оналари “Катта бўлсанг ким бўласан?” деб сўрашса,
ҳеч иккиланмай, “Буюк бўламиз” дейишармиш.

Бу сўзларга кимдир: “Ҳа, энди бола-да, гапираверади”, деб парво қилмаслиги мумкин. Лекин бу — табиий ҳодиса. Шукрларким, Истиқлол йилларида Президентимиз томонидан фарзандларимиз қалбида ёқиб қўйилган маърифат чироқлари улуг аждодларимиз руҳи билан пайвасталикни шакллантирди. Бир маҳаллар қуритишга ҳаракат қилинган муқаддас ва табаррук ришта — хотира ва қадр туйғуси яна куртак очиб, гуллади. “...Зеро, бақувват идлизлардан қувват олган нихол гуркураб ривожланади. Аждодларимиз мероси ёшларимизни шу муқаддас замин тупроғини кўзга тўтиё айлашга, ўз халқи, ота-боболари, Ватанидан фахр туйиб яшашга ўргатади, улар юрагида тоғдек гурур ва ифтихорни тарбиялайди”. Бу Ўртбошимизнинг яқинда Сурхондарёга ташрифи чоғида айтган сўзлари.

Англашиладики, 13 йилдан буюн Хотира ва қадрлаш кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланишида нафақат ўтганларни хотирлаш, кексаларни эъзозлаш, иззатини жойига қўйиш, балки барчамизнинг аждодларимиздан мерос буюк орзулар учун жавобгарлик ва масъулият ҳисси ҳам муҳассал.

— Маҳаллаимизда бўлиб ўтадиган турли маросимлар, суҳбат ва учрашувларда мендан “Бахтлимизми?” деб сўраб қолишадди, — дейди андижонлик меҳнат фахрийси, тўқсон ёшли отахон Қобилжон Усмонов. — “Ҳа, бахтлиман!”

«ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ»

Бухорода шу мавзуда дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжихатликда, тинч-тотув ва аҳил яшаб келмоқдалар. Уларнинг ўз миллий қадриятларини асраб-авайлашлари, бойитишлари учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратилган.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: “Инсонлар орасидаги ўзаро ҳурмат муҳити, улар қайси тилда сўзлашшидан қатъи назар, Ўзбекистон деб аталган умумий уйимизда ҳукми сураётган тинчлик, барқарорлик ва оқсоқилликнинг энг муҳим асоси ва гарови бўлиб хизмат қилмоқда”.

Бухоро шаҳрида республика Байналминнал маданият маркази, Анжуман “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Ўзбекистон — умумий уйимиз” дўстлик ва маданият фестивалида ана шу мазмундаги фикрлар билдирилди.

Абу Али ибн Сино номидаги маданият саройида ташкил этилган фестиваль аввалда вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказлар ҳамда “Хунарманд” уюшмаси аъзолари ўз маҳсулотлари кўргазмаларини намойиш этдилар.

— Вилоятимизда 300 та корейс оиласи истиқомат қилади, — дейди корейс миллий маданий маркази фаолларидан бири Галина Пен. Ҳам шунда умрғуздорлик қилаялман. Бу ердаги турли миллат вакиллари

“Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан яқинда ўнга яқин рисола, тадқиқотлар ва буюк алломаларимиз ҳамда муқаддас қадамжоларимиз ҳақида китоблар чоп этилди.

МЕРОСИМИЗ ХАЗИНАСИ

Пойтахтимиздаги Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида “Шоҳимардон”, “Хазиний юрти”, “Бурхониддин Марғиновий: тарихий ҳақиқат ва асотирлар” китобларининг тақдироти бўлиб ўтди. Шунингдек, анжуманда жамғарма фаолияти, тарихий ёдгорликларни обodonлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди.

С. ОЧИЛОВ.

ҚАДРИЯТ, ЭЪТИРОФ ВА ЭЪЗОЗ

деб жавоб қайтараман. Чунки мени қадрлайдиган, бошига кўтарадиган Ватаним, давлатим, Истиқлол куёшидан қадди кўтарилган заҳматкаш халқим бор, дейман. Кўзи меҳрли, юраги уйғоқ, умидлари бисёр ёшлар ардоғидаман. Биз, кексаларнинг кўнглидаги дарё болаларимиз юрагида жўш урмоқда. Зотан, биз кура олмаган иморатларни улар қуради, биз забт эта олмаган доволарни улар забт этади. Ҳамма гап шунда.

Инсон руҳи — хотира билан тирик. Маънавият ҳеч қачон ўлмайди, унинг асоси меҳр-оқибатдир. Инсонни шарафлайдиган фазилат ўтганлар ёди, аждодлар ҳурматидир. Ўртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган энг дастлабки ислохот, айтиш жоизки, хотирамизни барҳаёт қилиш, тафаккуримиздан бадарға қилинган буюк аждодларимизнинг ҳаёт-бахш, нажотбахш меросини қайтариш, уларнинг азиз номларини тилиш, маънавиятимизнинг кўзи ёпилган хазиналарини очиб, ўзли-

гимизни билишга, англашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Унинг мевалари — Паҳлавон Маҳмудга муносиб полвонлар, Мирзо Улуғбекка муносиб “Самарқанд” сайёрасини кашф этган олимлар, Ибн Сино даҳосига лойиқ шиоқорлар... Умуман, барча жаҳада бунёдкор болалар-

нинг ишларини давом эттираётган Муस्ताқил Ўзбекистон ёшлари тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурган юрtdа ўз истеъдодларини ёрқин намойиш этиб дунёга чиқмоқдалар. Табиийки, ҳаммамиз учун жаҳонни зулмат домига тортган урушда ҳалок бўлганлар ва айни чоғда ўша уруш даҳшатидан омон чиқиб, дориламон кунлар гаштини сураётган кексаларимизнинг қадри нихоятда сарбаланд. Ўртбошимиз таъкидлаганларидек: “Бизнинг ота-боболаримиз суронли уруш майдонларида қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш, унга қизил байроқ ўрнатиш учун эмас, ҳаё-

лар гаштини сураётган кексаларимизнинг қадри нихоятда сарбаланд. Ўртбошимиз таъкидлаганларидек: “Бизнинг ота-боболаримиз суронли уруш майдонларида қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш, унга қизил байроқ ўрнатиш учун эмас, ҳаё-

Хар йили Хотира майдони 9 май арафасида файзиёб манзилга айланади. Мотамсаро она хайкали олдиға кексаё ёш таъзимға келиб, ўтганларнинг хотирасини ёд этдилар. Фаровонлик, тинчлик, хотирхамлик, меҳр-оқибат устувор бўлган замонамизга шукроналар билдирадилар. Мухтасар айтганда, Хотира ва қадрлаш кунни бизнинг урф-одатларимиз, аъналаримизнинг ифодаси, халқимиз кўнглидаги эзгу хислатларни акс эттирувчи қутлуг ва азиз байрамдир.

Абдували КҲТЕБИДДИНОВ,
шаҳрловчи.

Хизмат

йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар

озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2,49 миллиард сўм миқдорида кредитлар белгиланиб, унинг асосий қисми кичик бизнес вакил-

тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўтган йил давомида

ларига йўналтирилгани ана шундан далолат беради.

Шу йил 15 апрелда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг биринчи чорак якунларига бағишланган мажлисида таъкидланганидек, республикамизда иш билан банд аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес соҳасида меҳнат қилмоқда, йил охиригача эса тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш мўлжалланаётди. Бу эса, табиийки, бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди. Демак, “Кредит-Стандарт” банк жамоаси бундан буюн ҳам тадбиркорларнинг яқин ҳамқори ва молиявий кўмакчиси бўлиб қолаверад.

Э. СОБИРОВ,
«Кредит-Стандарт»
банкнинг Корпоратив
кредитлаш ва лизинг
бошқармаси бошлиғи.

хўжалик субъектларига 4,7 миллиард сўмлик кредит бериб, лизинг хизматлари кўрсатгани эътиборга лойиқдир.

Айни кунларда банк ва унинг филиаллари асосий эътиборни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида соҳа вакилларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратмоқда. Уч ой давомида но-

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ички бозоримиз сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар билан бойимокда. Бунда, табиийки, уларнинг молия муассасалари томонидан қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

ТУРФА МАҲСУЛОТЛАР — ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИГА

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида за-

монавий ускуналар билан жиҳозланган илҳам корхоналарни ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, пировардида уларнинг турмуш даражасини яхшилаш сингари муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ўтган даврда “Кредит-Стандарт” очик акциядорлик тижорат банки томонидан 24,2 миллиард сўм миқдоридиға маблағ айни шу мақсадларга йўналтирилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида қарийб 2 миллиард

ноати” уюшмаси таркибидиға иккита корхонада истеъмолчиларга сифатли ўсимлик ёғи етказиб бериш йўлга қўйилди, Фаргона ва Самарқанд вилоятларидаги шунча тадбиркорлик субъектида эса он ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ўзлаштирилди. “Кредит-Стандарт” банки жамоаси, шунингдек, Президентимизнинг 2009



ноати” уюшмаси таркибидиға иккита корхонада истеъмолчиларга сифатли ўсимлик ёғи етказиб бериш йўлга қўйилди, Фаргона ва Самарқанд вилоятларидаги шунча тадбиркорлик субъектида эса он ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ўзлаштирилди. “Кредит-Стандарт” банки жамоаси, шунингдек, Президентимизнинг 2009

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАШАББУС

Кеча пойтахтимизда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Аёллар кенгаши” республика жамоатчилиги бирлашмаси ҳамда “Хаёт учун!” Миллий уюшмаси ҳамкорлигида хайрия форум-марафони бўлиб ўтди.

Унда ўқувчи ва талаба-ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва санъат намояндлари, турли жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, ўзига хос ушбу тадбирнинг ташкил этилиши бе-хиз эмас. Зеро, мамлакатимизда эл саломатлиги муҳофазаси, хусусан, оналар ва болалар соғлигини асраш, соғлом ва баркамол авлодни вояға етказиш йўлида эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда замонавий скрининг текширувлари жорий қилинган бўлиб, бунинг самараси ўларок, аёлларда учрайдиган қўллаб хавфли касалликларнинг олдини олишга эришилаётди. Хусусан, кўкрак саратони хасталигининг олдини олиш ва касалликни ўз вақтида аниқлаб, самарали даволаш борасидаги амалий ишлар бунга мисол бўла олади. Марафондан

тушган маблағ ана шундай онкологик касалликлар билан хасталанган аёлларни даволашга сарфланади.

— Мазкур хайрия лойиҳасига қизикш йилдан-йилга ошиб бормоқда, — дейди “Ўзбекистон маданияти жамғармаси” ахборот хизмати масъул ходими К. Муҳамедова. — Ўтган йили форум-марафонда беш мингга яқин иштирокчи қатнашган бўлса, мазкур йилда бу кўрсаткич саккиз минг нафардан ошди. Яна бир жиҳати шундаки, ўтган йили марафондан тушган маблағ эвазига 3398 нафар аёл тегишли муолажадан ўтди.

Марафон якунида энг фаол иштирокчилар турли номинациялар бўйича тақдирландилар.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;

Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



ISSN 2010-8788

МАШЪАЛА ТЕРМИЗГА ЙЎЛ ОЛДИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Кеча Тошкент вилоти-нинг Паркент туманида жойлашган Ўзбекистон Фанлар академияси “Физика —

Кўш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтида “Баркамол авлод — 2011” спорт ўйинлари машаласини аланга олдириш маросини бўлиб ўтди.

Та н т а н а л и тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, кенг жамоатчилик вакиллари, ўқувчи-ёшлар ва спортчилар қатнашди. Қайд этиш жоизки, мазкур мусобақалар бошла-

нишидан олдин Олимпиада ўйинларига қийсан машала ёқиш аънаънага айланган. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор, албатта. Ўртимизда спортга иштиёқманд ёшлар машгулотларда астойдил иштирок этиб, ўз олдиришга китъа, жаҳон чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида голиб бўлишдек эзгу мақсад қўядилар. Ватан шанини улуғлаш, байроғимизни баланд кўтариш орзусининг рўёбга чиқишида айнан уч босқичли спорт ўйинлари ўзига хос парвоз майдони бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўрни келганда шунли алоҳида айтиб ўтиш керакки, Паркентдаги каби ноёб иншоот жаҳонда иккита бўлиб, бири Франция жанубидаги



Пиреней тоғларида жойлашган. Бизга алоҳида гурур бағишлайдиган жиҳати шундаки, айрим халқаро мусобақалар заминимиздан кўр олган машала билан бошланган. 2002 йили Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган XIV Осиё ўйинлари машаласи Паркентда аланга олдирилгани ҳам фикримизни яққол тасдиқлайди.

Мамлакатимиз ёшлари юрагида жўшқинлиқни, қалбидиға шижоат ва эзгу мақсадларни ўзида акс эттирувчи “Баркамол авлод — 2011” спорт ўйинлари машаласини бокс бўйича ёшлар ўртасида қўллаб халқаро турнирлар совриндори, 2010 йили Сингапурда ўсмирлар ўртасида ўтказилган биринчи ёзги Олимпиада ўйинлари бронза медали соҳиби Сардорбек Бегалиев, шотокан қаратэ-до бўйича Жаҳон Кубоги голибаси Севара Абдулҳакимова майдонга олиб кирди. Машалани улардан Паркент тумани транспорт ва сервис касб-хунар коллежи ўқувчиси, кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпиони Элбек Раҳматов қабул қилиб олди.

— Дунёдаги энг нуфузли мусобақа — Олимпиада ўйинлари машаласи Грециянинг Кронос тоғида кўш нурларидан аланга олдирилади. Мамлакатимизда “Кичик Олимпиада” деб эътироф этилаётган спорт ўйинлари машаласи эса бизнинг вилоятимизда олов олдирилишидан фахрланаман, — дейди Сардорбек Бегалиев. — Мен ўтган йили Сингапурда ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган биринчи ёзги Олимпиада ўйинлари машаласини олиб ўтган спортчиларга ҳавас қилганим. Бугун ўзимга шундай бахт nasib этди. Умуман олганда, ушбу машалани олов олдириш тадбирида қатнашиш барча ёшлар учун чексиз гурур бағишлайди.

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотига қарашли Республика техник ва амалий спорт турлари маркази директори ўринбосари Шокарим Шоумаровнинг таъкидлашича, “Баркамол авлод — 2011” спорт мусобақалари машаласини манзилига етказиш маросими ҳар галгидек байрамона руҳда ташкиллаштирилади. Шаҳар ва қишлоқларда таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари билан турли учрашувлар ўтказилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ
олган сурат.

Ўзбекистон экологик ҳаракати

дизайнерлик ва ноширлик ташкилотлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган, 3000 нусхада, ҳажми 400 varaқ, қаттиқ муқовада, 4+4 рангли, саҳифаларида 1000 га яқин фотосуратлар акс этган, матнлари ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги **«Ўзбекистон табиати»** альбом-китобини нашр этиш бўйича **тендер эълон қилади.**

Аризалар 2011 йил 6 майга қадар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: **(8-371) 245-12-99, 227-44-95, 245-46-72.** Электрон почта: **info@eco.uz.**

Масъул шахс — **Абдулҳаева Дилором.**

9690/202

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган кўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жониев.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5